

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 156

Учкудук туман.

2022 йил " 19 декабрь

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси Низом асосида иш кўрувчи **Ф.ХАСАНОВ** бир томондан ва кейинги ўринларда Пудратчи" деб юритиладиган Учкудук Бек Барака МЧЖ номидан устав асосида иш кўрувчи Б Акмалов иккинчи томондан бошқарма балансидаги Учкудук шахри Абай МФЙ Чули Гулли кучасида янгидан куриб фойдаланишига топширилган куп каватли тураржойларг янгидан йул барпо этиши ишлари бўйича куйидаги шартномани туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги түгрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдикланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади;

**вактнчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар жандай тицдаги вактнчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чикиш** - ишларнинг хар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Учкудук шахри Абай МФЙ Чули Гулли кучасида янгидан куриб фойдаланишига топширилган куп каватли тураржойларг янгидан йул барпо этиши ишлари лойихасида кўзда тутилган холда курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси натижасида аниклантан ва тендер комиссиясининг карори билан тасдикланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда 61 034 366 сум 80 тийин (*Олмиши бир миллион уннинчундай туртминг уч юз олмиши олти*) сўми 80 ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

курилиш кийматини кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда; ишлар хажми ва тури катъий равишда ўзгартирилмайди( конунда кузда туттилган холлар бундан мустасно);

объектнинг курилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

Шартномага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони худудида вактнчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўгрисида хабардор килиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлiği, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўриятиш;

курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

курилиш майдони кўриклилишиниг таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун буюргомачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЙЛЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш изоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини изорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олиши таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатлариги ўз кун муддатда кўриб чикиш ва карор кабул килиш;

молиялаштириш жадвалига бишоан Пудратчига мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришини амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - томонлар учи имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация килган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - шартнома конун хужжатларнiga мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аникланишган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан ўтиборан беңрекуни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 (%) фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу 18 310 310 сўми 04 тийин ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тудов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида саклаб колади, Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасига бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақирида, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равища хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод килилмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришини мустакил равища ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш изорати органилари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етиши маётган тупрокни козаб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражеларга иисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганини учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аликланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўргатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклади, ишларни бажариш даврида ва улар туаталишгандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталаридан янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларирига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

26. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачиги ва "Давархитекткурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор килинимаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у ҳонда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларининг исталган кисмни ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларни сифатсиз бажарилганини аликласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўплайтирумасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар буидан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи курилиш майдонини ва унга тугаш кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидирали ва озода саклади, курилиш даврида майдондан курилиш аҳлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлади.

30. Ишлар бошлангач пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари тиоритади. Дафтарда бутун ишларининг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларининг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилishi, хисматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиши, ўтказилган стиковлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боялик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни ўзил-кесил муддатнинг таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларининг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зинмасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка ентиб бўлмайдиган кун ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавоббагриликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати ентиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килгани, шунингдек ушбу ҳолатлар 10зага келтирган вактга мутаносиб равиша узайтирилади.

32. Агар ентиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чорацлар кўрилишини муҳокама киладилар.

33. Агар томонлар иккى ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларининг хар бирни шартнома бекор килинишини ташаб килишга хаклидир.

## X. Тарафларнинг коррупцияни карши курашиниш бўйича миъсулияти.

34.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияниш карши курашиниш тўғрисида"ли конуни талабларига сўзсиз амал килади.

35.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида конун бузилишга олиб келадиган харакатлар(харакатсизлик)га йўл қўймайдилар.

36.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қурашиб соҳасидаги амалдаги конун хужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик килиш;
- товламачилик, ёки бошка ноконуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

37.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рагбатлантиришнинг ҳер қандай шаклини рад етадилар, жумладан:

- тарафларниг ходимлари ёки вакилларидан пул маблаглари олиш, совгалар бериш, уларга бенул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу харакат(харакатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рагбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай харакатни бажаришни.

38.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга нокурайликлар тугдириб, коррупциявий омил найдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақисланади.

39.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларниг бузилиш ҳолатлари содир бўлған ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бирни содир етилганда ушбу харакат содир етилгастиги юзасидан иккинчи томонни хабардор килиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки конун бузилишининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қурашиб соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат киладилар.

## 10. КАФОЛАТЛАР

35. Пудратчи: барча ишлар тўлиқ қажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускунашлар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳаидислик тизимлари ва усуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

Мавжуд нуқсанлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюргачининг иккито томонлами даюлатномасида кайд этилади.

36. Пудратчи нуқсанлар ва чалга ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бosh торгган тақдирда, уларни текшириб чикиш "Давархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларниг ушбу масала бўйича хўжалик судиги мурожаат килишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

37. Буюргмаchi:

шартнома кучга кирганда кейин курилишининг бошланиши Буюргачига бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

ишларни тугатишиниг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўнайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутизиган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

38. Пудратчи:

ишларниг бажарилиши Пудратчига бўлмаган сабабларга кўра Буюргачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюргачи томонидан молиятлаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

39. Шартнома бекор килилганда Буюргачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра туташланмаган курилиш бир ой муддатда Буюргачига берилади, Буюргачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчиги тўлайди.

40. Мазкур шартномани бекор килишига қарор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

42. Шартнома бекор килингани тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

43. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

44. Томонлардан бирни шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортгилади.

45. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузгалиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кул учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўреатилмаган хизматлар кийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачитин шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

46. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмии тасдиқлашдан асоссан равишда бош тортгалигини учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи микдорида жарима тўлайди.

47. Пудратчи объектини ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузгалиши учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизиги микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксенлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчига буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 1 фоизиги микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

48. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофик бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитекткурилишназорат" инспекциясининг холосаси асосида объектини кабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 0,3 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

49. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмагашиги учун мазкур моддача назарда тутилган жалолардан ташкири шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган ҳаржатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан коплашмаган заарларни коплайди.

50. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

## XIII. НИЗОЛАРНИНГ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

51. Шартномани бажаришда ва бекор килинганда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган широғи масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларига белгилаган тартибда Икеодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

52. Мазкур шартнома имзоланганишан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёнжматар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини Йўкотади.

53. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш ҳужжатлариги Буюртмачишиг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташкири, бирон-бир учунчи томонга сотиш ёки бериш хукухига эга бўлмайди.

54. Мазкур шартномага барча ўзгарттириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳакикий хисобланади.

55.Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган яғи мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгаришишлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

56.Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечикиришга ҳаклидир.

57.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлганилади.

58.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган З нусхада тузилди.

59.Шартнома имзоланиб Газначиликдан руйхатдан ўтгандан сўнг конуний кучга киради ва амал килиш мuddati “31” декабр 2022 йилгача хисобланади,

#### XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

##### ПУДРАТЧИ

Учкудуқ Бек Барака МЧЖ  
Юридик манзилни Учкудуқ шахар

№/р 20208000600824496001  
Банк номи: Мештий банк  
Учкудуқ филиалини МФО 0088  
ИНН 305193120

##### БУЮРТМАЧИ

Учкудуқ Ободонлаштириши бошқармаси  
Юридик манзилгоҳ: Чул гули кучаси 29-үй  
Хр: 100022860122487065200110002

ИНН: 206 908 433

Банк номи: Марказий Банк Тош.  
шҲҚҚМ

Банк коди (МФО) 00014

Газначилик бўлими Учкудуқ туман  
ЯРХ: 2340 2000 3001 0000 1010


ИНН 201 122 919

ХХТУТ:00001



Рахбар  
Рахбар  
(ф.и.о.)  
Абдулло Акмалов  
(имзо)

Рахбар  
(ф.и.о.)  
Ф.Хасанов



Юрист холосас: Унбу шартнома Узбекистон Республикаси конунларига  
ва норматив хуносаканларига мос равишда тузилган.

Ф.И.О.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**YM8827536723**

1. Loyihanining turi : Sharhnomalar

2. Loyihanining nomi:Pudrat shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Uchquduq tumani  
Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 19.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish  
maqsadga muvofiq.Uchquduq Bek Baraka MChJ va Uchquduq tumani  
Obodonlashtirish boshqarmasi o'tasida

**Uchquduq tuman  
yuridik markazi  
boshi yuristkonsulti:**



**N.M.SHODIYEVA**

19.12.2022

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 206815 на приобретение Учкудук шахри МФЙ Чул-гули кучасида янгидан куриб фойдаланишга топширилган куп каватли тураржойларига янгидан йул барпо этиш .**

Способ проведения электронный

Дата 14.12.2022

Время рассмотрения 06.12.2022 09:31

Конкурсная комиссия Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси. (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XASANOV FARHOD MUKATOVICH	бошлик	Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	TILYABOVA LOBAR ABDURASHITOVA	бош хисобчи уринбосари	Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	QAHHOROV SALIM QORAQULOVICH	бош хисобчи	Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	XAMROYEV AZAMAT SADULLOYEVICH	йул булими назоратчи	Учкудук туман Ободонлаштириш
Член комиссии	HAMROYEV JASUR AMRILLOYEVICH	Кукалагзорлаштириш бригадири	Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	BOBOQULOV NODIRBEK ZIYADULLAYEVICH	Кукалагзорлаштириш бригадири	Учкудук туман Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.12.2022 года № лота 206815.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Учкудук шахри МФЙ Чул-гули кучасида янгидан куриб фойдаланишга топширилган куп каватли тураржойларига янгидан йул барпо этиш .
Количество товара	1.00
Единица измерения	усл. ед
Цена товара (услуги) за единицу	61 904 751.00
Стартовая сумма	61 904 751.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ишни кучи тургисида маълумотлар { малакали мутахасислар тургисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишни кучи тургисида маълумотлар { малакали мутахасислар тургисида

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA	20	Ишчи кучи тургисида маълумотлар ( малакали мутахасислар тургисида	15	Экспертная		
Ishonch- Feruz X k	20	Ишчи кучи тургисида маълумотлар	13	Экспертная		

Критерий №2 охириги уч Йиллик банк айланмаси ва Банк реквизитлари тургисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: охириги уч Йиллик банк айланмаси ва Банк реквизитлари тургисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA	15	охириги уч Йиллик банк айланмаси ва Банк реквизитлари тургисида маълумот	15	Экспертная		
Ishonch- Feruz X k	15	охириги уч Йиллик банк айланмаси ва Банк реквизитлари тургисида маълумот	15	Экспертная		

Критерий №3 Олдиндан бажарилган ишларидан шартномалвар нусхаси .

Тип: Текстовое значение

Описание: Олдиндан бажарилган ишларидан шартномалвар нусхаси .

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA	15	Олдиндан бажарилган ишларидан шартномалвар нусхаси	15	Экспертная		
Ishonch- Feruz X k	15	Олдиндан бажарилган ишларидан шартномалвар нусхаси .	13	Экспертная		

Критерий №4 Давлат руйхатидан утказилганлиги тургисидам гувоҳнома ва устав нусхалари

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат руйхатидан утказилганлиги тургисидам гувоҳнома ва устав нусхалари

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA	15	Давлат руйхатидан утказилганлиги тургисидам гувоҳнома ва устав нусхалари	15	Экспертная		
Ishonch- Feruz X k	15	Давлат руйхатидан утказилганлиги тургисидам гувоҳнома ва устав нусхалари	15	Экспертная		

Критерий №5 Курилиш категориясида Рейтинг даражаси эга ташкилот булиши шарт

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Ishonch- Feruz X k	20	2Солик	15	Экспертная		

Критерий №9 Кафолат хати ( Бажариладиган ишга эгн камида бир йил муддатга кафолат бериш түгрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати ( Бажариладиган ишга эгн камида бир йил муддатга кафолат бериш түгрисида

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA	20	Кафолат хати ( Бажариладиган ишга эгн камида бир йил муддатга кафолат бериш түгрисида	20	Экспертная		
Ishonch- Feruz X k	20	Кафолат хати ( Бажариладиган ишга эгн камида бир йил муддатга кафолат бериш түгрисида	14	Экспертная		

Финансовое значение:

Наименование товара: Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог

Ценовые предложения				Порядок оценки ценовых предложений	
Наименование участника	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Итоговое значение (UZS)
Ishonch- Feruz X k	61 904 751.00	61 800 000.00 UZS	61 800 000.00	00.00	61 800 000.00
ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA	61 904 751.00	61 034 366.80 UZS	61 034 366.80	00.00	61 034 366.80

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 61 904 751.00 Uzs

Наименование участника	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
Ishonch- Feruz X k	61 800 000.00 UZS	61 800 000.00	00.00	00.00	61 800 000.00	13.12.2022 18:08:42	4.93806
ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA	61 034 366.80 UZS	61 034 366.80	00.00	00.00	61 034 366.80	13.12.2022 17:49:41	5

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
Ishonch- Feruz X k	69.46875	4.93806	74.40681

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш категориясида Рейтинг даражаси эга ташкилот булиши шарт

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA	15	Курилиш категориясида Рейтинг даражаси эга ташкилот булиши шарт	10	Экспертная		
Ishonch- Feruz X k	15	Курилиш категориясида Рейтинг	10	Экспертная		

Критерий №6 Максус техникалар мавжудлиги түгрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Максус техникалар мавжудлиги түгрисида маълумот.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA	20	Максус техникалар мавжудлиги түгрисида маълумот	10	Экспертная		
Ishonch- Feruz X k	20	Максус техникалар мавжудлиги түгрисида маълумот	10	Экспертная		

Критерий №7 бажариладиган ишлар физик хажми маълумот бажариладиган ишларга ҳамда эълонда курсатилган смета хужжатларига мос равишда булиш лозим

Тип: Текстовое значение №7.

Описание: бажариладиган ишлар физик хажми маълумот бажариладиган ишларга ҳамда эълонда курсатилган смета хужжатларига мос равишда булиш лозим

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA	20	Бажариладиган ишлар физик хажми маълумот бажариладиган ишларга ҳамда эълонда курсатилган смета хужжатларига мос равишда булиш лозим	14	Экспертная		
Ishonch- Feruz X k	20	бажариладиган ишлар физик хажми	12	Экспертная		

Критерий №8 2Солик туловларидан карзи йууклиги түгрисида ва қандай солик туловчиси түгрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: 2Солик туловларидан карзи йууклиги түгрисида ва қандай солик туловчиси түгрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA	20	Солик туловларидан карзи йууклиги түгрисида ва қандай солик туловчиси түгрисида маълумот	15	Экспертная		

ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA	76.59375	5	81.59375
-------------------------	----------	---	----------

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 206815 от 14.12.2022 года на приобретение Учкудук шахри МФЙ Чул-гули кучасида янгидан куриб фойдаланишга толширилган куп каватли тураржойларига янгидан йул барпо этиш . определила победителем:

ООО UCHQUDUQ BEK BARAKA  
305193120

и резервный исполнитель: Ishonch- Feruz X k ( 300943052 )

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XASANOV FARXOD MURATOVICH	Согласен	
Член комиссии	QAHHOROV SALIM QORAQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	XAMROYEV AZAMAT SADULLOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	HAMROYEV JASUR AMRILLOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	BOBOQULOV NODIRBEK ZIYADULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП